

## ХРОНИКА

### ИЛМИЙ ҲАЁТ

#### ЯНГИ “SCALE UP” ДАРСЛИГИ НИМАНИНГ МИҚЁСИНИ КЕНГАЙТИРАДИ?

Охирги кунлардаги чет тилларини ўқитиш соҳасидаги жадал равишда юз бераётган янгилик ва такомиллашувлар, хаттоки соҳага алоқаси бўлмаган инсонларга ҳам маълум. 2013 йил бошида оммавий ахборот тизиминг барча турлари, халқаро ахборот воситалари ҳам, кенг миқёсда бу борада чиқарилаётган қарорлар, мавжуд тизимга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида жар сола башладилар. 2012 йил 10 декабрь санасининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги қарорига асосланган бундай салмоқли саъйи-ҳаракатлар бежиз амалга оширилмаётгани барча чет тили ўқитувчилари учун сир эмас.



Ўзбекистон Республикаси таълим тизими, маълумотларга кўра, ҳатто совет даврида ҳам етарлича салоҳиятли тизим деб тан олинган ва ўзига яраша ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлган. Республика олий ўқув юртларидан етишиб чиққан минглаб дунё ҳамжамияти ва республика миқёсидаги бетакрор олимлар бунга исбот тариқасида келтирилиши мумкин. Мутахассисларимиз кенг оммага ўзларининг соҳага бўлган чексиз содоқатлари ва юқори савияларидан ташқари, кўпёқлик билан фарқ қилиб туришган. Бу борада, албатта, тил билиш меъзони ҳамма замонда қадрли ҳисобланган. Ҳар қандай соҳа эгаси, мабодо, чет тилларидан бирортасини билса, бу хислат илмий бирлашмалар тарафидан юксак баҳоланиб келинган.

Ҳозирги глобаллашув ва ахборот даврида инглиз тилининг тутган мавқеъи ҳақида узоқ мулоҳаза қилиш ниятидан холис равишда эслатиб ўтмоқчи бўлганим фақатгина унинг воситасида бизнинг келгуси илмий изланувчиларимиз эришиши мумкин бўлган чўққилар холос. Ўйлаб кўрсак, ҳар қандай мутахассиснинг тил билиш кўникмаси нафақат дунё эшигини очишига,

балки ҳозирги замон рухшунослари бирваракайига жар солаётган, билингвизмнинг ақлий қобилиятга қўшадиган ҳиссаси когнитив жараённи кўп қиррали қилиши ҳамда тил ва маданиятлараро тафовутлардан кеб чиқиб қарор қабул қилиш имкониятларини чексиз даражада кенгайтириб юбориши мумкин.



Демакки, бу борада қилинаётган ишлар, жумладан ҳозир сизларга тақдим этмоқчи бўлган, нофилологик олий таълим муассасалари учун яратилган, инглиз тили дарслиги ватанимизнинг бўлғуси олимларининг жаҳон миқёсида фаолият олиб боришларига ҳисса қўшиши, исбот талаб қилмайди. Албатта, бизнинг қобилиятли, зеҳнли ва билимга чанқоқ ёшларимиз

эҳтиёжларини қондириши осон эмас. Бу борада республикамиз раҳбарияти тамонидан киритилган меъёрий ҳужжатлардаги ўзгаришлар ҳақида яна бир бор сўз юритиш лозим бўлади. Барчамиз учун таълим тизимидаги қуйи меъёрларни яратишга меъзон бўлган Давлат Таълим Стандартлари 2013 йил баъзи ўзгаришларга эга бўлди. Айнан чет тилларини ўқитишга бағишланган қисмдаги, қайта ишловларга кўра, таълим муассасаларининг битирувчиларига қуйидаги талаблар ўрнатилган:

- A1 – бошланғич таълим;
- A2 – ўрта таълим;
- B1 – ўрта махсус таълим;
- B2 – олий таълим.

Кўриниб турибдики олий таълим муассасасида чет тилини, хусусан инглиз тилини ўқитиш учун меъзон қилиб B2 даражаси белгиланган, аммо бу даражадаги қўлланма ёки дарслик, афсуски республикамизда шу пайтгача яратилмаган. Бошқа мавжуд дарсликлар бўлса замоннавий тил ўқитиш талабларига жавоб бермайди ва ёшларимизнинг қизиқиш доирасини қамраб олмайди. Мавжуд хорижий адабиётлар эса, биринчидан кўп жиҳатларга кўра, миллий принцпларга, Ўзбекистон ёшларининг реалиясига тўғри келмайди, ва қайсидир маънода инглиз тилини юқори даражада ўзлаштирган ёшларимизда ватанпарварлик ҳиссининг сусайишига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда қўлланма сифатида нашр қилинаётган “Scale UP” ўқув адабиётлар мажмуаси, юқорида айтиб ўтилган талаб, қарор, меъёр, ҳақида ва

эҳтиёжларни инобатга олиб режалаштирилган ва ишлаб чиқилган. Мавзу ва матнларнинг барчаси ёшларимизнинг қизиқишларидан келиб чиқиб танланган, машқлар замонавий метод ва ёндашувлар асосида тузилган ва энг аҳамиятлиси, ёшлар учун “бешиқдан то қабргача илм изла” ақидасига ва тараққиётга хизмат қилишга ундов масалаларини ўз ичига қамраб олган.

Адабиётлардан фойдаланиш фақатгина инглиз тилини В2 даражасидаги кўникмасини ривожлантирибгина қолмай, талабаларнинг академик изланиш жараёни, муваффақиятга эришув сирлари ва бу борада амалга оширилган аҳамиятли илмий изланишлар билан ҳам танишадилар ва ўз соҳаларига оид бир қанча кўникмаларга эга бўладилар. Мақсад эса юксак интеллектуал имкониятли, инглиз тилида эркин мулоқот қила оладиган ва бемалол ажнабий касбдошлари билан биргаликда изланиш олиб бора оладиган, Ўзбекистон олимлари салоҳиятини жаҳон миқёсида намоён эта оладиган мутахассисларни тарбиялаш ва етиштириб чиқариш. Фақат тил кўникмаларини эмас балки дунёқарашни, ватанпарварлик ҳиссини ва илмий жараёнга бўлган лаёқатни ҳам кенгайтирадиган дарслик яратиш.

Дарсликнинг ўқитиш мазмуни фонетик, грамматик, лексик қонун-қоидалар, коммуникатив кўникмалар интеграллашган ҳолда тузилган. Ўқув қўлланма Умумевропа йўлланмалари (CEFR) меъзонлари бўйича, тил кўникмалари В2 даражасини шакллантириш ва таълим тизимидаги узвийликни таъминлашни инобатга олган ҳолда яратилган.

Мажмуа 1, 2 ва 3 курс талабалари учун алоҳида адабиётлар йиғилмасидан ташкил топган ва ҳар бир курс уч китобдан иборат:

1) **Students' book** – талабалар китоби, талаба асосий дарслик. Дарс жараёнида фойдаланишга мўлжалланган ва ўз ичига гуруҳ билан, мулоқотга асосланиб, тил ўзлаштиришга мўлжалланган машғулотларни олади.

2) **Workbook** – талабанинг иш китоби, асосий китобда берилган мавзу ва матнларни чуқурроқ англашлари учун берилган кўшимча маълумотлар баъзаси. Таълим стандартида белгиланган мустақил таълимни таъминлашга хизмат қилиши кўзда тутилганлиги сабабли машқлар мустақил бажарилиши кўзда тутилган ҳолда келтирилади. Китобдаги мавзулар асосий дарсликдаги мавзуларни такрорлайди ва кўшимча маълумотлар билан талабалар тушунчасини кенгайтиради.

3) **Teachers' book** – ўқитувчи китоби, ўқитувчиларнинг ҳар кунлик дарс жараёнига тайёргарлиги ва ўқитувчиларни керакли кўникма даражасига (С1) методик жиҳатдан асосий кўмакчи сифатида хизмат қилади. Шунингдек асосий дарсликда келтирилган материалларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда ўқитувчига амалий ёрдам беришга мўлжалланган. Кўплаб фойдали

маслаҳатлар, эҳтимолий муоммоларни ечиш бўйича маслаҳатлар ва луғавий кўрсатмалар бериб борилади.

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда бундай адабиётлар мажмуаси мавжуд эмас эди. Мавжуд қўлланмалар ҳам асосан анъанавий услубларда яратилган бўлиб, замонавий коммуникатив методикага, талабалар жадаллигига асосланган ёндашув ва шу қатордаги бошқа инновацион метод ва технологияларни қамраб олмаган. Хорижий нашрётлар тақдим этаётган дарсликлар эса айрим юқорида келтириладиган сабабларга ва мавжуд талаб ва меъёрлардаги фарқларга кўра, тўлиқ талабни қондирмайди. Яратилган адабиётлар мажмуаси ўз тизимида бетакрор бўлиши кутилмоқда.

**Барнохон САМАТОВА**